



**“Янги ҳаёт нафаси
ҳар кўча, ҳар хонадонга
кириб борди”**

2-с.

Биз бўлмасак, ким?

Мақтаб битирувчиларига психологларни жалб қилиш лозим. Ҳаётга илк қадам қўяётган пайтда уларга руҳий тайёргарлик зарур.

3-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2025 йил
21 июнь,
ШАНБА

Маҳалла

№50
(2274)

WWW.UZMAHALLA.UZ

КУН НАФАСИ ●●●●●



БУГУНГИ СОНДА:

Тизимли иш такомилга етаяпти, тартиббузарлик туғатилаяпти

“Бозорнинг ҳар бир дарвозасига назоратчи қўйдик. Одамларга ҳар 20 дақиқада овоз кучайтиргич ёрдамида ўз маҳсулотларига хушёр бўлишларини таъкидлаб, бирор ўғрилиқ дуч келса, зудлик билан назоратчиларга хабар беришини айтиб келяпмиз”.

5-с.

Ижтимоий ҳимояда виждон иши, юрак амри устувор

“Қасбимизда унум ва барака бўлиши учун кўпроқ одамлар билан ишлашимиз зарур. Уларга мақсадимизни, қилаётган ишимиздан кўзланган муддаони тўғри тушунтириб бера олсакки, ўртада соғлом ҳамкорлик муҳити юзага келади. Аҳоли вакиллари қандай вазиятларда биздан ёрдам сўраши кераклиги, ваколатимиз доирасида қайси хизматларни кўрсатишимизни тўлиқ тушуниб етсагина, самардорлик янада ортади”.

6-с.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН РУҲИ ЎЗ АКСИНИ ТОПЯПТИ

Президент Шавкат Мирзиёев 19-20 июнь кунлари Қашқадарё вилоятига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари ташрифни Қарши шаҳридаги “Alp techno servis” электротехника корхонаси билан танишувдан бошлади. Шундан сўнг, Қарши шаҳридан Шаҳрисабзга кетаётиб, поездда қашқадарёлик фаоллар билан самимий мулоқотда бўлди. Сухбатда шаҳару қишлоқлардаги ўзгаришлар, аҳоли ҳаёти, бугунги тинчлик қадри ҳақида сўз борди.

Президентимиз Шаҳрисабз шаҳридаги кўп тармоқли кардиология маркази фаолияти билан танишди. Яқкабоғ туманида барпо этилган “Янги Ўзбекистон” массивини бориб кўрди. 8 гектар майдонни эгаллаган массивда 54 та беш қаватли

уйлар қурилиб, 1 минг 400 та хонадон аҳолига тақдим этилади. Шу билан бирга, ҳудудда қурилган уч қаватли “Эко бозор” барпо этилган. Бу ерда аҳолининг дам олиши, болалар ва ёшларнинг фаол вақт ўтказиши учун ҳам қулайликлар яратилган.

Давлатимиз раҳбари Шаҳрисабз туманидаги “Мираки” халқаро туризм марказига ташриф буюрди.

“

Ҳудуддаги “Мираки”, Амир Темур, “Улоқ” ва “Полмон” маҳаллаларида сайёҳлар учун қулайликлар яратилмоқда.



Оқсув дарёсининг икки қирғоғи бўйлаб пиёда ва велосипедда юриш учун ўн километрлик “эко йўлак” ташкил этилган. Сайёҳларни қизиқтириш учун Ҳисорак сув омборига туташ ҳудудда икки километрдан ортиқ дор йўли ва денгиз сатҳидан 2 минг 700 метр баландликда ресторан ҳам барпо этилган.

Ташриф давомида Шаҳрисабз туманидаги “Ҳисорак” сув омбори яқинида барпо этилган кичик гидро электр станцияси, агротуризм мажмуаси кўздан кечирилди.

Қуддала туманида Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Қашқадарё вилоятини комплекс ривожлантиришнинг устувор вазифаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий юксалтириш масалалари кўриб чиқилди.

Президент Матбуот хизмати ахбороти асосида тайёрланди.

7-с.

ПИЁДА ЮРГАННИНГ УМРИ ЗИЁДА БЎЛИШИ, БУ — ҲАҚИҚАТ!



8-с.

Маҳалла раислиги учун 8 852 нафар НОМЗОДГА ИШОНЧ БИЛДИРИЛДИ

Мамлакатимиздаги 208 та туман ва шаҳардаги маҳаллаларда фуқаролар йиғинлари раислари сайловы якунланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси ва сайёҳаракати билан маҳалла тизимининг аниқ тузилмаси белгилаб берилди. Маҳаллага қўшимча куч ва имкониятлар тақдим этиляпти, ваколат ҳам, масъулият ҳам қўйи тизимга туширилмоқда. Натижада маҳалла ҳар бир оила, ҳар бир инсон муаммоси, дарду ташвишига чуқур кириб бора оладиган

халқчил тузилма сифатида янада фаоллашди, жамиятимизда кечаётган ислохотларнинг ҳал қилувчи бўлинига айланди.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан маҳалладаги ишларни тизимли, тартибли, аҳоли талаб ва эҳтиёжларига мос равишда олиб бориш учун “маҳалла еттилиги” тизими жорий этилди. Маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, ижтимоий ходим, солиқ ва профилактика инспекторининг аниқ вазифалари белгиланиб, ягона жамоа сифатида ишлаш тартиби йўлга қўйилди.

Давоми 2-саҳифада.



●●●●● “САЙЛОВ – 2025”



“Яшил” давлат харидларини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ХУКУМАТ ҚАРОРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.



Вазирлар Маҳкамаси қарори билан юридик лицейлар битирувчиларини СУХБАТ АСОСИДА ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ тартиби белгиланди.



“ХУЖЖАТЛИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИ ЙЎҚ ҚИЛИШ” бўйича йўриқнома Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилди.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

●●●●● ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ...

●●●●● “САЙЛОВ – 2025”

“Янги ҳаёт нафаси ҳар кўча, ҳар хонадонга кириб борди”



Президентимиз ташрифидан барчамиз жуда мамнун бўлдик. Маҳалламизни янада обод, одамларни рози қилиш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш борасида зарур маслаҳат ва кўрсатмалар олдик.

Хусан АҲМЕДОВ,
Паркент туманидаги
“Кумушкон” маҳалласи раиси.



Яна бир эътиборли жиҳати, маҳалламиз “яшил” тоифага киритилган. Йил бошида рўйхатга олинган 28 та камбағал оилга зарур кўмак кўрсатилди. 40 нафар ишсизнинг барчаси ишга жойлаштирилди. Жорий йил бирорта оилавий ажралиш ва жиноятчилик ҳолатлари содир бўлмади. Маҳалла бюджетидида 44 миллион сўм маблағ бор. Кўчалар обод, хонадонлар саранжом-саришта.

Давлатимиз раҳбари ҳузурида ўтган йиғилишда маҳаллаларда сервис компанияси ташкил қилиш чоралари белгиланган эди. Шу асосида ҳудудимизда “Маҳалла сервис компанияси” ташкил этилмоқда. Бино қурилиши бошланган, зарур техник воситалар келтирилган.

Президентимиз ташриф давомида маҳалладаги сайёҳлик салоҳияти ва меҳмон уйларини кўздан кечирди.

Бу соҳага кўплаб имтиёзлар берилиб, ташаббуслар қўллаб-қувватланмоқда. Ислохотлар самарасини охириги йилларда маҳалламизга сайёҳлар келиши кўпайганидан билиш мумкин. Имкониятдан фойдаланиб, инфра-тузилма яхшиланиб, хонадонидида меҳмон уйи очганлар талайгина.

Шундай тадбиркорлардан бири Олим Юсупов сой бўйидаги ҳовлисида 48 ўринли меҳмон уйи очган. Хоналар мишлий услубда, шинама қилиб жиҳозланган. Меҳмон уйи йилга 2 миңдан зиёд сайёҳга хизмат кўрсатади.

Бир сўз билан айтганда, Президентимиз ташрифидан сўнг ҳудудга гўёки янги ҳаёт нафаси кириб келди. Орадан бир неча кун ўтган бўлса-да, кумушконликларнинг қалбини ҳаяжон ва қувонч тарқ этгани йўқ. Одамлар нигоҳида умидни, эртанги кунга ишончни, шукроналикни кўриш мумкин.

Президентимиз бу ердаги ободлик ва омиқорликни кўриб, шундай лойиҳаларни бошқа сўлим масканларда ҳам ташкил этиш кераклигини таъкидлади. Тадбиркорларга зарур маблағ ажратиб, кўшимча хизматлар ташкил этишига кўмаклашиш бўйича мутасаддиларга кўрсатма берди. Маҳаллаларда ички имкониятларни юзага чиқариш аҳолини банд қилишда катта манба экани қайд этилди.

Давлат раҳбари маҳалламиз ҳудудда жойлашган интенсив боғда етиштирилаётган сархил мевалар ҳосилини кўздан кечирди. “Meridian Tempo” корхонасига қаршли 54 гектарли боғда гилос, олма, нок ва малинанинг экспортбоп навлари экилган. Кўчатлар Франция ва Испаниядан келтирилган. Дарахтлар ўзини ўзи чанглатиш хусусиятига эга. Бу ҳосилдорлик юқори бўлишида муҳим.

Замонавий агротехнологик тизимлар орқали боғ тўлиқ томчиладиб сугорилади. Аввал сув махсус ҳавзада тўпланади ва табиий нишаблик орқали тарқатилади. Бунга энергия сарфланмагани учун харажат ва махсулот таннархи камаюди. Шунингдек, боғда кўёш панеллари ўрнатилган.

Пишиб етилган мевалар, асосан, экспортга йўналтирилмоқда. Бу йил 256 тонна гилос, 500 тонна олма, 480 тонна нок, 30 тонна малина етиштирилиши мўлжалланган. Энг муҳими, келадиган даромад бошқа аъъанавий ўсимликларга нисбатан бир неча баробар юқори. Мутасаддиларга бу усулни омалаштириш, меваларни парваришлаш ва қадоқлаш бўйича чет эл тажрибасини жорий этиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари маҳалламиз ҳудудда жойлашган “Олтин бел” чўққисидида дам олиш маскани ва янги лойиҳалар билан танишди. Хушманзара тоғ бағридаги 3 гектар жойда қурилган ушбу меҳмонхоналар илҳамлиги ва ҳамёнболлиги билан ажралиб туради. Ҳозирда жами 188 ўринли 2 та меҳмонхона, капсула шаклидаги уйлар, ресторан ва хужали бинолари барпо этилган. Кейинги босқичда яна 20 та шундай уй қурилиши мўлжалланган.

Маҳалла раислиги учун 8 852 нафар номзодга ишонч билдирилди

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).



Яна бир муҳим жиҳат – жамиятимизда **маҳалла раисларининг мавқеи** оширилди, уларнинг ваколат муддати **3 йилдан 5 йилга** узайтирилди, раисларга “еттилик” аъзолари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш масъулияти юклатилди. Бундан кўринадики, маҳалла раиси ҳар бир ходимнинг хизмат фаолиятини чуқур тушуниши, барча соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини теран англаши зарур.

Жорий йилнинг 1 май санасидан мамлакатимизда **маҳалла раислари сайлови бошланган эди**. “Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисида”ги қонунига мувофиқ, икки ой давомида республика бўйлаб **сайловлар ўтказилди**. Сайлов кампанияси даврида **14 та** ҳудудий, **208 та** туман (шаҳар) кўмаклашувчи комиссиялар ҳамда **8 852 та** ишчи гуруҳлар тузилиб, уларнинг таркибига **89 миң 578 нафар** идора ва ташкилотлар раҳбарлари, депутатлар ва маҳалла фаоллари жалб қилинди.

1 май – 17 июнь кунлари сайлов жараёнлари республиканинг **8 852 та** маҳалласида ўтказилди (*Қолган маҳаллаларда бўлаб қолган ўринларга сайловдан олдин янги раислар сайлангани боис улар эндиликда 3 йил муддат давомида раислик қилишди*). Сўнгра бу маҳаллаларда ҳам **5 йил муддатга янги раислар сайланади**). Муҳим жараёнда **2 миллион 173 миң 634 нафар** фуқаролар вакиллари иштирок этди.

Сайловларда қатнашган **26 миң 334 нафар** номзод келгуси беш йил давомида **маҳаллани ривожлантириш бўйича устувор дастурларини** аҳолига тақдимот қилди. Яқунда уларнинг **8 852 нафари** маҳалла раиси этиб сайланди. Жумладан, **3 миң 962 та** маҳаллада янги раислар иш бошлади, сайланган раисларнинг **1 миң 196 нафари** аёллар, **306 нафари** туман (шаҳар) Кенгашлари депутатларидан иборат.

Раисларнинг ўртача ёши – **51 ёшни** ташкил этди. **Мутахассислигига кўра**, уларнинг **2 миң 419 нафари** (27,3 фоиз) ўқитувчи, **1 миң 705 нафари** (19,3 фоиз) иқтисодчи, **1 миң 212 нафари** (13,7 фоиз) муҳандис, **57 нафари** (1,1 фоиз) шифокор, **354 нафари** (4 фоиз) ҳуқуқшунос, **420 нафари** (5 фоиз) агроном, **2 миң 685 нафари** (30,3 фоиз) бошқа мутахассислик эгаларини ташкил этади.

Сайланган маҳалла раисларига вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш ҳамда уларни амалиётда қўллаш бўйича **замонавий ва креатив услубда ўқувлар** ташкил этилди. Уларга **маҳалла раисининг гувоҳнома**си ва **кўкрак нишонлари тантанали равишда** топширилди.



Эндиликда “маҳалла еттилиги”га масъул бўлган ташкилотлар раҳбарлари **битта маҳалла** мисолида “еттилик” аъзоларининг **қулиқ, ҳафталик, ойлик, чораклик иш режалари намуналарини** ишлаб чиқиб, барча маҳаллаларга тадбиқ этади. Хар бир маҳалла раисининг “еттилик” аъзолари билан биргаликда **йил якунига** қадар амалга оширилиши лозим бўлган вазифалари белгиланган **“Йўл харитаси”** тайёрланади. **Ҳафтада бир мартаба аҳоли туманларини ўз вақтида ҳал этилишини таъминлаш** максатида туман (шаҳар) ҳокимликларида маҳалла раисларининг ахборотларини эшитиш учун **“Маҳалла соати”** ўтказилади.

Синовлар сабрни синдирмади, иродани тоблади

Бувайда туманидаги “Шўр” маҳалласи раиси Жаҳонгир Топиволдиев қишлоқ одамларини хайрли мақсад атрофида бирлаштирди. Саховатпешалар ташаббуси билан бу ерда истиқомат қилаётган ёлғиз онага ёрдам кўрсатилиб, уй-жой қуриб берилди.

Мафтуна МАМАСИДДИҚОВА.

Хаёт ҳеч кимга бахтни кафолатламаган. Яхши кунлар ортидан синовлари, ташвишлари бор. Аслида, яшамок шуниси билан мазмунли, тотли. Вазира Болтабоевани тақдир синовларда беаёв синади. Салкам 20 йил бирга яшаган турмуш ўртоғи бирдан оғир касалликка чалинди. Лекин оила бошлиғи ишлашга мажбур бўлди. Турмуш юки, рўзғор ташвиши

шунини тақозо этди. Вазира опа фарзандлар тарбияси билан шуғулланди. Афсуски, бир йил ўтгач, тақдир янада оғир синов юборди. Турмуш ўртоғи вафот этди. Битмаган ҳовли, тўртта фарзанд, уларнинг моддий эҳтиёжларини қондириш ёлғиз онанинг зиммасида қолди.

Лекин аёл тақдир берган зарбалардан эсанқирамади. “Қийналяпман”, деб дардини ҳаммага дoston қилмади, нолимади. Аксинча, яшаш учун кураша бошлади. Уйда



Ўтириб, даромад топиш йўллари кидирди.

Қизлари билан тикувчиликдан хабари бўлгани учун “маҳалла еттилиги” унга яқиндан кўмаклашди. “Еттилик” таъсияси билан оилга имтиёзли кредит ажратилди.

Бу маблағга иккита тикув машинаси сотиб олинди. Ёруғ кунлар сари дастлабки қадам ташланди. Оила аъзолари бирлашиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлади. Яна маҳалла елка тутди. Энди она ва қизлар тикаётган

либосларга харидор топиб берилди. Шу йўналишда фаолият юритаётган тадбиркорларга бириктирилди. Натижада тайёр маҳсулотлар сотуви йўлга қўйилди. Турмушга фэйз, рўзғорга барака кирди.

Маҳалланинг ёрдами шу билан тугамади. Оиланинг аъволи ўрганилганда, яшаш хоналари қурилиши битмагани аниқланди. Шу бос сажаватпешалар билан маблағлашиб, ёлғиз она ва қизлари учун янги уй кўтарилди.

Камгап, дардини ошқор қилишни истамайдиган Вазира опани синовлар синдира олмади. Аксинча, кучли қилди. Қатъият, ирода, сабр ва, албатта, “маҳалла еттилиги”нинг ёрдами ортидан яхши кунлар келди.

ТЕЖАМКОРЛИК ТАЪМИНЛАНДИ, ДАРОМАД ОШИРИЛДИ

Уйчи туманида 2025 йилда “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида маҳаллаларда томорқа ерларини суғоришни яхшилаш бўйича бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.



Жумладан, тумандаги 6 та маҳаллада ички ариқлар бетонлаштирилди. — Бу ишлар “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори ижросини таъминлаш мақсадида бажарилди, — дейди **Ўзбекистон маҳаллалари уюмаси Уйчи тумани бўлими бошлиғи Хусниддин Аҳмедов**. — Унча кўра,

Ҳайрат номидаги ва “Гулистон” маҳаллаларида 1,5 километр, “Янгиҳаёт”да 2,5 километр, “Пастузлар” маҳалласида 0,9 километр, “Дўстлик” йўлида 0,4 километр, “Унҳаёт”да 0,7 километр узунликдаги ички ариқлар таъмирланди. Бунинг учун биргина Ҳайрат номидаги маҳаллага 536,5 миллион сўм, “Унҳаёт” маҳалласига 303,5 миллион сўм маблағ ажратилди. Натижада 48 гектар томорқа ер майдонини суғориш

тизими яхшиланиб, 230 дан ортиқ хонадондаги оқова сув мумноси ҳал бўлди. Бундан ташқари, “Унҳаёт” маҳалласида 10 километрдан ортиқ йўл асфальтланиб, битта трансформатор ўрнатилди, электр тармоғи янгиланди.


Этиборлиси, амалга оширилган қурилиш ишлари натижаида сув тежамкорлиги таъминланиб, аҳоли томорқадан юқори даромад олиш имконига эга бўлди.



Иқтидорли ўзбекистонлик ёшлар учун АҚШга ВИЗА БЕРИШ ТАРТИБИ соддалаштирилиши мумкин.



Январь-май ойларида солиқ ҳуқуқбузарликлари ҳақидаги хабарлар учун 14,5 МИЛЛИАРД СЎМ МУКОФОТ ПУЛИ тўланган.



“СЎҚОҚ СОМСАСИ” географик кўрсаткич сифатида рўйхатдан ўтказилди.

ФИКР

Сиртки таълим нега бекор қилинди?



Сўнгги йилларда юртимизда таълим соҳасида жиддий ўзгаришлар юз беряпти. Олий таълим сифатини ошириш, халқро мезонларга мос тизим яратиш, битирувчиларни ҳақиқий билим ва кўникмаларга эга мутахассис қилиб тайёрлашга катта эътибор қаратиляпти.

Шаҳноза ХАЛИЛОВА.

Ана шу ислохотлар доирасида “Таълим сифатини таъминлаш ва таълим хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармонида кўра, 2025/2026 ўқув йилидан таълимнинг сиртки шаклига қабул тугатилди ҳамда кундузги таълимдан бошқа муқобил таълим шакллари бўйича қабул квоталари ошириб берилди.

Бу хабар жамоатчиликда турлича муносабат уйғотди. Кўпчиликда табиий равишда саволлар туғилди: “Нега бундай қарор қабул қилинди?”, “Сиртки таълим умуман бекор қилинадими?”, “Ишлаб юрган одамлар қаерда ўқийди?”. Ана шу саволларга оддий ва тушунарли тарзда жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Сиртки таълим тизими илк бор юртимизда анча аввал ташкил этилган, аммо 2018 йилда қайта жорий этилган эди. Бу шаклнинг асосий мақсади — меҳнат фаолияти билан банд бўлган, лекин олий маълумотга эга бўлмаган фуқароларга ишдан қолмасдан ўқиш имконини яратиш эди. Чунки кўпчилик инсонлар ишлайди, оила боқади, лекин бир пайтлар турли сабабларга кўра ўқишга кира олмаган. Сиртки таълим айнан шу эҳтиёждан келиб чиққан.

Орадан йиллар ўтиб, бу тизим ўзининг ижобий натижаларини ҳам берди. Кўплаб ёшлар ва катта ёшдаги фуқаролар олий маълумотли бўлиш имконига эга бўлди. Аниқ қилиб айтганда, таълим қамрови кенгайди, аҳолининг маълумот даражаси ошди. Қатор ҳудудларда одамлар учун ўқишга шароит яратилди.

Бироқ шунчаки қамров ошириш етарли эмас. Таълимнинг сифати ҳам жуда муҳим. Шу боис кейинги йилларда шу нарса аниқ бўлдики, сиртки таълимда ўқув жараёни кўп ҳолларда етарли даражада ташкил этилмаган, билим бериш чуқур эмас, амалий кўникмаларга етарлича эътибор қаратилмаган. “Устоз-шогирд” муносабатлари, бевосита мулоқот, лаборатория ва амалий машғулотлар каби муҳим жараёнлар кам бўлган. Айниқса, таълим сифатини назорат қилиш, академик интизом ва мезонларга риоя қилиш борасида камчиликлар кузатилган.

Айни шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, таълим тизимини ислох қилиш йўлида юқоридаги муҳим фармон қабул қилинди. Эндиликда 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб, барча олий таълим муассасаларида — давлатми, хусусийми, фарқи йўқ, сиртки таълимга қабул тўхтатилади.

Ўз навбатида мазкур жараён ҳозирги кунда сиртки таълим шаклида ўқийётган талабаларга таъсир кўрсатмайдми. Уларнинг ўқиши аввалги тартибда давом этади, улар диплом олади ва бу диплом кундузги ёки кечки таълимдаги каби тўлиқ юридик макомга эга бўлади. Иш берувчилар бундай битирувчиларни фақат уларнинг таълим шаклига қараб эмас, балки билим ва маҳоратига қараб баҳолаши лозим.

Савол туғилиши мумкин: “Сиртки таълим тугади, энди ишлаб юрганлар қаерда ўқийди?”. Бу борада давлатнинг аниқ режаси бор. Масофавий таълим, кечки таълим ва қисман кундузги (part-time) ўқиш каби шакллар босқичма-босқич ривожлантирилади. Бу тарздаги таълим шакллари дунё амалиётида самарали деб топилган, интернет технологиялари орқали билим олиш имконини беради ва инсон ишлаб юрган ҳолда ҳам ўқиши мумкин бўлади. Энг муҳими, бу шаклларда таълим сифатини таъминлаш, амалий машғулотларни тўғри ташкил қилиш имконияти кўпроқ бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, сиртки таълим ўз вақтида халқимиз учун фойдали ечим бўлган. Аммо вақт ўтиши билан давр ўзгарди, талабалар ортиб борди ва сифатига кўпроқ эътибор қаратиладиган фурсатга келдик. Эндиги мақсад — замонавий ва самарали таълим шакллари жорий этиш, ҳар бир инсоннинг чуқур билим олиши учун шароит яратиш. Бу орқали фақат диплом эмас, балки ҳақиқий мутахассислар етиштирилади.

Биз бўлмасак, ким?

Фаолиятимни бошлаганимда биргина ният бор эди: ёшларга кўмак бериш, уларнинг оёққа туришига шароит яратиш ва ҳаётга мустақкам кириб боришларига кўмаклашиш. Шу йўлда ҳаракат қилиб, бугун юзлаб ёшлар ўз йўлини топиб, оиласига, жамиятга фойдали инсон бўлиб етишмоқда.

Улуғбек ЭРГАШЕВ,
Хатирчи туманидаги
“Боғчақалон” маҳалласи
ёшлар етакчиси.

Дастлаб ижтимоий кўмакка муҳтож қизлар билан иш бошладик. Уларнинг 10 нафарига тикув машинаси олиб бердик. Шу машиналар бугун уларнинг оилавий даромад манбаига айланди. 10 нафар чевар қиз бир жойда йиғилиб, буюртма асосида болалар кийимини тиқишмоқда. Ҳар бирининг ойлик даромади 1,5-2 миллион сўм атрофида. Бундан ташқари, 7 нафар йигитга пайвандлаш дастгоҳи олиб берилди. Бугун улар хунарини хизматга айлантириб, бошқа ёшларга ҳам ўрнак бўляпти.

Шунингдек, 50 нафар ёшга 30 гектар ер олиб берилди. Мана, уч йилдирки, улар деҳқончиликни ривожлантириб, мустақил фаолият хурмат ва ишонччи уйғотди. Уларнинг бир мисол: Жалолддин Сирожидинов макка ва картошка етиштириб, бир мавсумда 20 миллион сўм даромад олди.

Спорт доим ёшларни кучли ва бардам қилиб тарбиялайди. Шу боис мактаб спорт мажмуаси ва воркаут майдончаларини ташкил этдик. Волейбол, футбол, шахмат каби спорт турларига ёшларни жалб қилдик. Натижалар

узок куттирмади: Озода Эргашева ва Нилуфар Дилшодова шахмат бўйича республика миқёсида иккинчи ўринни эгаллаб, маҳаллаимиз фаҳрига айланмишди. Волейбол жамоамиз туман босқичи қолиби бўлиб, вилоят босқичига йўланма олди. Ҳозир “Долзарб 90 кун” тадбирлари доирасида ҳар куни 20 нафар ёшни спорт тўғрақларига жалб қиламиз.

Ёшлар бандлигини таъминлаш долзарб масала бўлиб қолмоқда. Фаолиятим давомида 100 нафардан ортиқ ёшга кредит ажратилишига кўмаклашдим. Кўпчилиги бу имкониятдан тўғри фойдаланиб, ўз фаолиятини йўлга қўйди. 70 фойдан зиёд ёш олий таълим муассасаларига кириб, ўз касбининг эгасига айланди.

Ёшлар билан ишлашда бир ҳақиқат бор, у ҳам бўлса, ишонч. Мен ҳеч қачон ваъда бериб, бажарилмай қолишни хоҳламайман. Айнан шу ёндашув ёшлар орасида хурмат ва ишонччи уйғотди. Уларнинг муаммосини бирма-бир эшитиб, ечим топишга интиламан.

Масалан, бир йигит ёшлик ғафлатидан хатога йўл қўйди. Ўғрилиқ қилиб ушланди, ота-онанинг ногиронлиги бор, унга ёрдам беришга қарор қилдик. Ёшлар иттифоқига мурожаат қилдим, у ердагилар бу йигитни химоя қилишга қарор қилишди. Унинг қизиқишларини ино-



“ Ҳозирги кунда маҳаллада мактаб битирувчилари сони 42 нафарни ташкил этади. Улардан 25 нафари аллақачон чет тиллари ва миллий сертификатларга эга. Бу ёшлардан катта умидвормиз – улар билимли, мақсадли ва фидойи.

батга олиб, унга пайвандлаш дастгоҳи ва мотоцикл олиб бердик. Ҳозир у ҳалол меҳнат қилмоқда, энди яна бундай хатога йўл қўймайди.
Анчадан бери йўлаб юрган бир таклифим бор –

мактаб битирувчиларига психологларни жалб қилиш лозим. Ҳаётга илк қадам қўяётган пайтда уларга руҳий тайёргарлик зарур. Ҳаёт сабоқлари, муваффақиятсизликлар билан курашиш йўл-

лари ҳақида чуқур тренинглари ўтказиш керак.

Шунингдек, миграция муаммоси ҳам долзарб. Бирор ёш хорижга кетмоқчи бўлса, “маҳалла еттилиги”нинг телефонида автоматик равишда SMS келиши лозим. Олдиндан хабардор бўлса, ўша ёш билан суҳбатлашиб, хавфсизлик чораларини кўриш, зарур йўналиш беришимиз мумкин.

Биз ёшларнинг ёнида бўлмасак, ким бўлади? Бугун кўрсатилган биргина меҳр эртага бир оиланинг, бир жамиятнинг бахтига сабаб бўлади. Ҳар бир ёшга ишонч билан қараш, уларга йўл кўрсатиш – менинг асосий мақсадим.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Дилшод АДҲАМОВ. Китоб тумани:

– Яқинда уй сотиб олдим, лекин ҳали кадастр ҳужжатини расмийлаштиришга улгурмадим. Ҳужжат вақтида қилинмаса, кадастр идораси жарима солар экан. Шу тўғрими? Масалан, танишим уйини олганига беш ой бўлди, ҳали ҳужжат йўқ, энди унга жарима чиқибди, дейиляпти. Шу ҳолатда қонунчиликда қандай жавобгарлик бор?

Кадастрни кечиктирмай расмийлаштиринг!



Бахтиёр САТТОРОВ, Китоб тумани адлия бўлими давлат хизматлари маркази директори:

– Ҳа, қонунчиликда уй-жой ёки бошқа кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни ўз вақтида расмийлаштирмаслик учун жавобгарлик бор. Бу ҳолат Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 68-1-моддасида кўрсатилган.

Яъни, кимки ўз уйига, ерига ёки бино-иншоотига бўлган ҳуқуқини белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказмаса, унга жарима қўлланishi мумкин. Бу



жарима фуқаролар учун – БҲМнинг 10 баравари, мансабдор шахслар учун – БҲМнинг 15 баравари этиб белгиланган.
Лекин амалда бу жа-

рима жуда кам қўлланади. Нега? Чунки кадастр идоралари бу борада назоратни кучли олиб бораётгани йўқ – яъни ким неча кундан бери ҳужжат топширмаганини аниқ ҳисоблаб бориш тизими суст ишлайди. Шу сабабли кўпчилик ўз вақтида ҳужжат қилмаса ҳам, жаримага тортилмасдан ўтиб кетаётган ҳолатлар кўп.

Аммо бу дегани, бутунлай эътиборсиз қолдириб бўлади, дегани эмас. Агар сиз ҳужжатни расмийлаштирмасдан кадастрга мурожаат қилсангиз ва улар сезинг кечиктирган муддатингизни аниқлаб олса, қонуний жарима қўлланиши мумкин.

Хулоса: ҳужжатларни кечиктирмай, ўз вақтида топшириш – энг тўғри йўл. Чунки жарима қўлланмаса ҳам, ҳужжатсиз мулкни расмий ишларда ишлатиш (сотиб, гаровга қўйиб, мерос қилиш) қийинлашади.

КЎМАК

“ҲАЁТИМНИ ЎЗГАРТИРГАН ИМКОНИЯТ”

Бугун “Ёшлар дафтари” тизими минглаб йигит-қизлар ҳаётига ижобий ўзгаришлар олиб кирмоқда. Улардан бири – Олтиншой туманидаги “Қоратепа” маҳалласида яшовчи Санжар Диёровдир.



Санжар маҳалладаги ёшлар етакчиси кўмагида аукцион орқали ер майдонига эга бўлди. Бу имконият уни деҳқончилик билан шуғулланиш, оилавий даромадини ошириш ва ўз орзуларини рўёбга чиқаришга ундади. Ажратилган ер майдонига дастлаб қарам етиштирилди ва бу орқали қаҳрамонимиз 170 миллион сўм даромад кўрди. Муваффақият уни янада илҳомлантирди. Ҳозирда у помидор етиштириш ишларини бошлаб юборган, ундан ҳам ўймай даромад олишни режалаштирмоқда.

– “Ёшлар дафтари” менга ҳаётимни ўзгартирган имкониятни тақдим этди, – дейди Санжар Диёров. – Ёшлар етакчиси кўмагида ҳужжатларимни тайёрлаб, аукционда иштирок этдим ва ер майдонига эга бўлдим. Дастлабки тажрибада қийинчиликлар кўп бўлди, аммо меҳнатим зое кетмади. Қарамдан 170 миллион сўм даромад олдим. Ҳозир помидор экканман. Бозор талабини ўрганган ҳолда, ҳар бир ишга пухта ёндашяман. Насиб қилса, келгусида иссиқхона қуриш, йил давомида маҳсулот етиштириб, янада кўпроқ даромад топишни ният қилганман.

Санжар Диёровнинг ушбу муваффақияти юртимизда ёшларга берилётган ишонч ва имкониятлар натижасидир. “Ёшлар дафтари” лойиҳаси ҳали кўплаб ёшлар ҳаётида туб бурилиш ясади. Энг асосийси, бундай ютуқлар бошқаларга ҳам ўрнак бўлиб, ҳаракатга чорлайди.



“UzBuild 2025”
халқаро кўргазмаси
МАРКАЗИЙ
ОСИЁДАГИ
ЭНГ ЙИРИК
КЎРГАЗМА деб
тан олинди.



Ўзбекистоннинг
12 та олий таълим
муассасаси
жаҳоннинг
ТОП-1000 ТАЛИК
УНИВЕРСИТЕТЛАРИ
рўйхатиغا
киритилди.



2024 йилда
қарийб 1,5 МИЛЛИОН
ЎЗБЕКИСТОНЛИК
Россияга борган,
бу умумий
мигрантлар
улушининг
23,3 фоизига тенг.

ХАБАРДОРМИСИЗ?

ЖАРИМАНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ИМКОНИАТИ БОР



Солиқ ҳисоботларини белгиланган муддатларда топшириш – бу нафақат қонунчилик талаби, балки бизнеснинг молиявий барқарорлиги учун муҳим омилдир. Аммо айрим солиқ тўловчилар турли сабабларга кўра, бу мажбуриятни ўз вақтида бажара олмаслиги мумкин.

Азизбек ИКРОМОВ,
Солиқ кўмитаси
бош инспектори.

Хисоботларни ўз вақтида тақдим этмаганлик учун яқка тартибдаги тадбиркорларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 баравари миқдориди, юридик шахснинг раҳбарига 10 баравари миқдориди жарималар қўлланилади. Агар тадбиркорлик субъекти томонидан ҳуқуқбузарлик биринчи марта содир этилган бўлса ва у аниқланган кундан бошлаб 30 кун ичида ихтиёрий равишда бартараф этилса, уларга жарима қўлланилмайди. Бу ҳолатда **жарима ўрнига огоҳлантириш берилди.** Жорий йил 18 июнь ҳолатига кўра, 27 867 та тадбиркорлик субъекти биринчи марта ҳуқуқбузарликка йўл қўйган ва 30 кун ичида ҳисоботни топширганлиги сабабли уларга жарима қўлланилди, огоҳлантириш берилди. Натижада **89,5 миллиард сўм миқдориди жарималар солиқ тўловчиларнинг ихтиёрида қолди.** Ҳозирда яна 13 352 та ташкилот биринчи марта шундай ҳуқуқбузарлик содир этган бўлиб, улар 30 кун ичида ихтиёрий равишда ҳисобот топшириб, жариманинг олдини олиш имкониятига эга.

Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди

Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Жорий йилнинг 16 июнида қабул қилинган мазкур ҳужжатга мувофиқ, ижро ишини юритиш тартибда қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари солиқлар ёки йиғимлар жумласига кирмаслиги белгиланди.

Эндиликда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро маълумотларини Мажбурий реестри маълумотларини вақтинча сақлаш ягона электрон базасига киритилган ижро ҳужжатлари бўйича солиқ қарзининг ҳисоби алоҳида юритилади.

Мажбуриятлар реестрига киритилган санадан эътиборан ўн йил ичида тўланмаган қарз ҳам умидсиз қарз деб эътироф этилиши белгилаб қўйилди.

Аввалги таҳрирда, фақат суд қарори билан мажбурият бекор қилиниши, қарздор банкрот деб топилгани, тугатилгани, вафот этгани ёки даъво муддати тугагани каби ҳолатларгина қарзни умидсиз деб

тан олиш асослари бўлган.

Мажбуриятлар реестрига киритилган ижро ҳужжатлари бўйича солиқ қарзига, мазкур ижро ҳужжатлари ушбу Реестрга киритилган санадан эътиборан пеня ҳисобланмаслиги белгиланди.

Солиқ кўмитаси
Ахборот хизмати



ЭШИТДИНГИЗМИ?

СОЛИҚЧИ – КЎМАҚЧИ

Ишбилармонлик туфайли ҳам бандлик, ҳам фаровонлик таъминланяпти



Водий халқи азалдан ишбилармон, тадбиркор. Уларга бироз кўмак бўлса kifоя. Бу борада Президент ташаббуси билан “маҳалла еттилиги”нинг ташкил этилиши айни муддао бўлди.

Муҳаммадсобир ИСМОИЛОВ,
Данғара туманидаги
“Кичик турк” ва “Боғиш”
маҳаллалари солиқ инспектори.

Бугун ҳар бир маҳаллада “еттилик” аъзолари мавжуд муаммоларни жойида ҳал қиляпти. Биз ҳам “Кичик турк” ва “Боғиш” маҳаллалари “еттилиги” билан тизимли иш ташкил этяпмиз. “Маҳаллабай” ишлаш асосида аҳолини солиқ сийёсатидаги ижобий ўзгаришлар, тадбиркорларга яратилаётган имтиёз ва имкониятлар ҳақида хабардор этиб, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган фуқароларга зарур маслаҳат ва кўмак бераймиз. Бунинг натижасида жорий йилнинг ўзида тадбиркорлар сони 41 тага кўпай-

ди. Биргина Самандар Собиров курилиш маҳсулотлари сотишга ихтисослашган савдо корхонаси ташкил этиб, 6 нафар фуқарони ишли қилди. Яна бир фуқаро автомобилларга ёилоф тикадиган корхона очиб арафасида.

Асосий фаолиятимиздан келиб чиқиб, маҳаллаларда янги “ўсиш нуқталари”ни аниқлаб, аҳолини ишли қилишга, кўшимча даромад топишга ўргатаймиз. Натижада савдо-сотиқ, новвойчилик, маиший хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари ҳамда деҳқончилик, чорвачилик кенг ривожланяпти. Шунингдек, ишламай турган, кам қувватда ишлайётган тадбиркорлар билан суҳбатлар олиб бориб, уларнинг тулик қувватда ишлашларини таъминляпмиз. Жорий йилнинг ўзида 6 та ишламай турган тадбиркорлик фаолияти тикланди, 6 нафар ноқонуний ишлайётган фуқаро тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтка-

зилди. 26 та корхонада 46 нафар ишчи фаолияти расмийлаштирилди. 3 та тадбиркорлик субъектига онлайн-назорат касса машинаси ўрнатилди.

Айни кунда менга бириктирилган маҳаллаларда юридик шахслар сони 104 тага, яқка тартибдаги тадбиркорлар 70 нафарга етди. Бунинг натижасида солиқ тушуми 48 фоизга ортиб, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 704 миллион сўм солиқ тушуми таъминланди. “Маҳалла бюджети”да қолаётган 10 фоиз маблағ ҳисобига кам таъминланган оилаларга ёрдам бериляпти, маҳалланинг моддий-техник базаси яхшиланиб, “хавфсиз кўча”, “хавфсиз йўлак” бўйича камералар ўрнатилляпти.

Томорқачилик, миллий нон маҳсулотлари тайёрловчи новвойчилик, тикувчилик, чакана савдо йўналишларида ўзини ўзи банд қилган 886 (217 нафари жорий йил) нафар фуқарони яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтишга, ЯТларни юридик корхона сифатида рўйхатда ўтиб фаолият юритишга тавсиялар бериб, тушунтириш ишлари олиб бораймиз. Энг муҳими, фуқаро-

лар олдингидек 15 километр йўл босиб вақтини йўқотаётгани йўқ, барча масалалар маҳалланинг ўзида ҳал этиляпти.

Ҳар иккала маҳалла “Тошкент-Андижон” йўли бўйида жойлашган. Водийга келганлар яхши билади, шу йўл бўйида катта патир бозорлари бор. “Кичик турк” маҳалласининг асосий “драйвери” – новвойчилик бўлиб, аҳолисининг 80 фоизи ана шу бозорларда савдо қилишади. Бу ҳудудларда хонадон аъзолари томорқачиликни яхши ўзлаштирган. Ҳар бир қарич ердан нумили фойдаланишади. Қўшимчасига 10 ва 30 сотихдан ер олиб, деҳқон ҳўжаликлари ташкил этган. Бугунги кунда 398 та деҳқон ҳўжалиги бўлиб, улар кўпроқ полиз маҳсулотлари экиб, даромад топишади.

Келгусида маҳаллалардаги мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиб, деҳқончилик, чорвачилик, чакана савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари сонини кенгайтираимиз. Асосий мақсадимиз – аҳолини ишли қилиб, даромадини ошириш, пировадида “маҳалла бюджети”ни кўпайтириш.



Бугунги кунда “Кичик турк” ва “Боғиш” маҳаллаларида 1 323 та ер, 1 270 та мол-мулк солиғи тўловчиси бор.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Кимларга мол-мулк солиғидан имтиёз берилган?

Нафосат
БОТИРОВА.
Сирдарё
вилояти:

– Пенсияга чиққанман, менга мол-мулк солиғидан имтиёз борми? Шу ҳақда маълумот берсангиз...

Музаффар НАЗАРОВ,
Солиқ кўмитаси
бошқарма бошлиғи
ўринбосари:

– Албатта, бор. Фақат 60 квадрат метр атрофидаги мол-мулкнинг солиқ имтиёзи қўлланилади. Қонунчиликка кўра, 10 нафар ва ундан ортиқ болалари бор ота-оналаридан бири, пенсиядагилар, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг мулкида бўлган мол-мулкнинг 60 квадрат метри солиқ солишдан озод қилинган.



Юқориди кўрсатилган шахслар солиқ имтиёзини олишга бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни солиқ солиш объекти жойлашган ердаги солиқ органларига мустақил равишда тақдим этади. Солиқ имтиёзи фақат 1 та, яъни яшаш учун мўлжалланган 1 та кўчмас мулк объектига татбиқ этилади. Бу объектни мулкдорнинг ўзи танлайди.

Қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланувчи шахслар бундан мустафно.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

Ўзини ўзи банд қилишнинг АФЗАЛЛИКЛАРИ

Бугунги кунда ҳар бир фуқаро “Soliq” мобил иловаси орқали ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтиши мумкин. Рўйхатдан ўтиш бепул ва масофадан амалга оширилади. Шунингдек, рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги QR-кодли маълумотнома илова орқали онлайн олинади.




Меҳнат стажы ҳисобланиши учун ихтиёрий равишда 31 декабрга қадар йилига камида базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баробари миқдориди (375 000 сўм) ижтимоий солиқ тўлашлари мумкин. Шунда пенсияга чиқишда муаммо бўлмайди.

“Soliq” мобил иловаси орқали 100 дан ортиқ фаолият тури билан шуғулланиш ва бир вақтнинг ўзида 3 тадан кўп бўлмаган фаолият турини танлаш мумкин. Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатидаги фаолияти исталган вақтда “Soliq” мобил иловаси орқали масофадан тўхтатилади.

Ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг даромадлари 100 миллион сўмдан ошганда, яқка тартибдаги тадбиркорлар каби солиқ тўлашга ўтади.



Ўзбек-француз қўшма корхонаси 2025 йил охиригача Ўзбекистонда УРАН ҚАЗИБ ОЛИШНИ БОШЛАЙДИ.



ХИТЙОЙ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИГА 1,5 миллиард юань (209 миллион доллар атрофида) миқдоридан грант ажратлади.



Рақобат қўмитаси Ўзбекистон бўйлаб АВТОБУС БЕКАТЛАРИНИ ТЕКШИРИБ, кўпчилигида ёруғлик, белгилар, пандуслар ва бошқалар йўқлигини аниқлади.

ҲОЛАТ

Каналнинг ёқасида ичимлик сув йўқ эди...

Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги “Элбек” маҳалласи Каналёқа қишлоғида бир неча йилдан буён қурилиши чала қолган сув иншоотида ишлар якунига етказилиб, аҳоли хонадонларига 5,6 километр ичимлик сув тармоғи тортилди ва 2 000 га яқин аҳоли тоза ичимлик сув билан таъминланди.

Ғолиб ҲАСАНОВ, журналист.

Бундай иншоотлар тегишли дастурлар асосида ҳар йили, ҳар бир ҳудудда фойдаланишга

топшириляпти-ку, дейишингиз мумкин. Тўғри, давлат ва ҳудудий дастурлар бўйича бу борада кенг қўламли ишлар амалга ошириляпти. Аммо Каналёқадаги ишлар давлат ёки ҳудудий дастур асосида эмас, балки нодавлат нотижорат ташкилоти лойиҳаси

бўйича бажарилди. Жумладан, Самарқанд вилояти “Имкон” фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва “Инсон” тараққиёти маркази мазкур ҳудуд сув таъминотини яхшилаш лойиҳасини амалга ошириб, 250 дан ортиқ хонадоннинг тоза ичимлик сув билан таъминланишига сабабчи бўлди.

– 1966 йилдан буён шу қишлоқда яшаймиз, лекин тоза ичимлик сувимиз йўқ эди, – дейди Шодиёр Исоқов. – Ҳудудда ерости суви яқин – ўн метр чуқурликдан сув чиқади. Бу сув ичишга яроқсиз бўлса ҳам




ўзимиз қазиб олган қудуқ ва пишма крандан фойдаланиб, истеъмол қилардик. Ўн йиллар аввал қишлоғимизда сув чиқариш ишлари бошланганди, лекин кўп ўтмай ишлар тўхтаб қолди. Шундан бери ана ишлар, мана ишлар, деб кутиб келдик. Бу йил “Имкон” нодавлат ташкилоти қишлоқни тоза ичимлик сув билан таъминлаш лойиҳасини амалга оширишни бошлаганда, тўғриси, ишонмагандик. Йўқ, булар ишни охирига етказди ва бугун хонадонларимизга тоза сув келди.

Янги иншоотни фойдаланишга топшириш чоғида “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди Самарқанд филиали томонидан “Элбек” маҳалла аҳолисига 10 турдаги дори-дармон ва оптик кўзойнаклар тарқатилди.

ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ

Ички ишлар соҳасидаги 35 йиллик иш тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, профилактика инспекторларнинг бевосита жойларда самарали хизмат ўташи учун бугунгидай муносиб шароитлар яратилмаган. Энг қўйи бўғиндаги вазият ва муаммоларни чуқур ўрганиш асосида ҳар қайси маҳаллани жиноятдан холи ҳудудга айлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада жиноятчилик жиловланиб, одамларнинг тинч-тотув яшаш таъминланди.



Тизимли иш такомилга етляпти, тартиббузарлик тугатилляпти

Дилмурод СОДИҚОВ, Марғилон шаҳридаги “Ариқбўйи” маҳалласи профилактика катта инспектори.

Феолиятим мисолида айтадиган бўлсам, Марғилон шаҳри марказига яқин ҳудудда жойлашган мазкур маҳаллада иш бошлаганимда бу ерда ўғрилиқ ва безорилиқ жинояти кўп қайд этилган. Бунга асосий сабаб – ҳудуддаги улгуржи озиқ-овқат бозори эди. Чунки бу ерга водийдан ташқари, воҳадан қунига 600-700 нафар одам келиб-кетди. Шу боис харидор сўтувчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун бозор ҳудуди ҳамда 8 та кўчанинг кириб-чиқиш жойларига замонавий видеокузатув қурилмалари ўрнатиб, уларнинг бир қисмини бозор маъмурияти хонасига, бир қисмини хизмат хонамга интеграция қилдим. Улар ёрдамида ҳар қандай жиноятчилик тезкор аниқла-

ниб, айбдорлар топиляпти. Шунингдек, бозорнинг ҳар бир дарвозасига назоратчи қўйдик. Одамларга ҳар 20 дақиқада овоз кучайтиргич ёрдамида ўз махсулотларига хушёр бўлишларини таъкидлаб, бирор ўғрилиққа дуч келса, зудлик билан назоратчиларга хабар беришни айтиб келяпмиз.

Шу тарихқа маҳалланинг “қулф-калити” яратилиб, жиноятдан холи ҳудудга айланди. Бугун ҳуқуқбузарликлар оқибати билан эмас, балки унинг олдини олиш билан курашяпмиз. Бу борада “маҳалла еттичилиги”, кўча бошилари билан тизимли ишляпмиз. Ишсизлик жиноятчилигининг асосий сабабларидан бири эканини инобатга олган ҳолда фуқаролар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Ариқбўйиликларнинг аксарияти тадбиркорлик, савдо-сотик билан шуғулла-нади. Косибчилик марказида йигирмадан ортиқ хунарманд ишляпти. Эътиборлиси, ўқувчи-ёшларнинг кўпчилиги таътил вақтида шу ерда “устоз-шогирд”

анъанаси асосида хунар ўрганишляпти. Қолганлари 21- ва 29-мактаблардаги турли тўғрақларга жалб этилган. Бўш вақти мазмуни ўтаётган ёшлар орасида шу кунгача бирорта безорилиқ ёки ҳуқуқбузарлик қайд этилмади.

Режали, тартибли, тизимли иш ташкил этганимиз учун ҳудуд оқойишта, мунтазам жанжаллашадиган ёки спиртли ичимликка ружу қўйган фуқаролар йўқ. Бироқ ҳаёт давом этар экан, турли келишмовчилик ва инзолар, ҳуқуқбузарликлар бўлиши табиий. Яқинда бир оила бошлиғи спиртли ичимлик истеъмол қилиб, оиласида жанжал кўтарди. “Еттилик” аъзолари зудлик билан воқеа жойига етиб бориб, вазиятни юмшатдик. Оила бошлиғи маъмурий қармоққа олинган, спиртли ичимлик истеъмол қилиб, қайта жанжал қилмасликка ваъда берди. Хозир уни наркологиya диспансерида мажбурий даволатяпмиз.

Бугун кибержиноятларнинг турли кўринишлари намойён бўляпти. Фуқароларнинг бундай

фирибгарлар тузоғига тушиб қолмасликлари учун жамоат жойларида аҳоли билан мулоқотда бўлиб, кибержиноятларнинг асл сабабларини тушунтириб боряпман. Қолаверса, 478 та хонадоннинг ҳар бирига кириб, махсус оғохлантирувчи қўлланма тарқатиб чиқдик. Шунингдек, аҳоли гавжум жойларга махсус баннерлар ўрнатдик.

Келгуси режаларимиздан бири – маҳалла шаҳарининг қайноқ нуқтасини ўз ичига олган бўлишига қараман, ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этилишига йўл қўймасликдан иборат. Бу борадаги ишларимизни Президентимизнинг “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан белгилаб берилган устувор вазифалар ижроси билан уйғунликда олиб боряпмиз.



Энг муҳими, фуқароларни жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича кўпроқ хабардор этиб, қонун устуворлигини муқаррар таъминлашдир. Шунда ҳар бир маҳалла жиноятдан холи бўлиб, фуқаролар оқойишталиги таъминланади.

ЭШИТДИНГИЗМИ?

ХОРИЖГА БОРМОҚЧИМИСИЗ, “ЎРТАЧИ” ФИРМАЛАР ФИРИБИГА ЧУВ ТУШМАНГИ!


Ҳар бир инсон яхши яшаш, билим олиш ва иш топишни истайди. Аммо бу мақсадларга эришишда тез ва “осон” йўлни танлаб, алдамчи консалтинг фирмаларига чув тушиб қолиш ҳолатлари ортиб боряпти.

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси.

Жорий йилда фуқаролардан Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасига 20 га яқин мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг кўпчилиги хорижда ишга ёки ўқишга жойлаштириш ваъдаси билан фирмаларга пул тўлаган, аммо тўланган маблағлар қайтарилмаган ёки хизматлар бажарилмаганини билдиришляпти.

Масалан, А.Б. Латвияга ишга юбориш масаласи бўйича Тошкент шаҳридаги “Konsalting N1 B2B” МЧЖга 16 миллион сўмдан ортиқ тўлов қилган. Фарғона шаҳрида яшовчи Ш.М. Латвия давлатида иш топиш ва виза расмийлаштириб бериш учун Кўқон шаҳридаги “Vivat viz” МЧЖга жами 2000 АҚШ доллари эквиваленти миқдоридан пул тўлаган. Янгийўл туманидаги О.Х. Германияга ишлагга бориш мақсадида Яккасарой туманидаги “Black mountain PRO” МЧЖга 36 миллион сўм тўлаган. Бироқ на ишдан дарак бор, на пулдан. Қолган мурожаатларда ҳам фирмалар фаолиятини юритмаётгани, хизматлар бажарилмаганини ҳақда пуллар қайтарилмаганини қайд этилган.

“Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, хорижда ишга жойлаштириш хизмати фақат лицензияга эга агентликлар томонидан амалга оширилиши мумкин. Аммо кўпгина фирмалар бу қоидага амал қилмайдди. Жумладан, “Diamond ideal”, “Xorijda ish va oqish”, “SI team”, “Consulting fly”, “Asia consult edugately”, “Euro asia consulting centre”, “Exclusive assistant”, “Doch consult”, “Global consulting effort” ва “Poland business support and visa” МЧЖлар каби консалтинг фирмалари ижтимоий тармоқлар орқали фуқаролар ишончига кириб, уларга хорижда ишга ёки ўқишга юборишни ваъда қилиб, фақат пул олишган, аммо уларнинг хизматлари бажарилмаган. Бундай фирмаларнинг кўпчилигида лицензия йўқ. Фаолияти ҳам қонуний эмас.



Шунингдек, Европанинг Ирландия, Англия, Дания, Норвегия каби давлатларига ишга юбориш тўғрисида эълонлар бериб, фуқароларга консалтинг хизматлари эмас, айнан хорижда ишга жойлаштириш бўйича хизматларни кўрсатиш билан шуғулланиб келётган “Everyone consult” ва “Worldviza” МЧЖларига Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлиги томонидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 300 баравари (112,5 миллион сўм) миқдоридан жарима қўлланган. “Rich result”, “Ravon consult group” ва “Adworld group” МЧЖлар каби фирмаларга нисбатан ҳам ҳуқуқий чоралар қўрилган.

Шундай экан, хорижда ўқиш ва ишлаш ниятида бўлсангиз, ҳар қандай “ўртачи” фирмалар алдовларига ишонманг, улар фаолияти қонунийлигини ва лицензияси мавжудлигини license.gov.uz сайти орқали текширинг. Юқоридаги каби вазиятларга тушиб қолмаслик учун шартнома шартлари билан батафсил танишиб чиқинг. Уларнинг хизматига пул тўлашдан аввал, алдов ва фирибгарлик қурбони бўлиб қолмаслигингизга тўлиқ ишонч ҳосил қилинг.

ҲУШЁР БЎЛИНГИ!

Марказий банк оғохлантиради!

Сўнги вақтларда рақамли технологияларни қўллаган ҳолда содир этилаётган фирибгарлик ҳолатлари тўғрисида фуқароларнинг хабардорлиги ошганлиги сабабли эндиликда фирибгарлар мураккаброк усуллардан фойдаланяпти.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки.

Хусусан, ўзини юртимизда фаолият олиб борувчи уяли алоқа оператори “ходими” сифатида таништирувчи фирибгар фуқарога кўнгирак қилиб, телефон рақамидан фойдаланиш бўйича шартномани узайтириш борасида бир қанча саволлар беради.

Бироз вақт ўтгач, фирибгарлар фуқарога Телеграм мессенжери орқали Марказий банк рамзий белгилари акс

этирилган профилдан хабар юбориб, унинг банк ва тўлов ташкилотлари мобил иловаларидаги шахсий кабинетларига бегоналар рўхсатсиз киришга уринганлиги, шунингдек, кредит амалиётини яқунлаш (“ёпиш”) жараёни ниҳоясига етмаганлигини маълум қилади.

Бундан ташқари, агар фуқаро ҳамкорлик қилишдан бош тортса ёки Марказий банкнинг сохта “ходими” кўрсатмаларини бажармаса, унга нисбатан жиноий жавобгарликка тортиш чораси кўрилиши билан таҳдид қилинади.

Дўк-пўписалар янада ишончли бўлиши учун мессенжер орқали юборилаёт-

ган хабарларга топиш осон бўлган очик манбалардан (масалан, www.lex.uz) Жиноий-процессуал кодекснинг электрон файли ҳам бириктириб қўйилади. Агарда фуқаро фирибгарларнинг ёлғон гапларига бажарса, улар айтган кўрсатмаларни бажарса, банк картасидаги маблағлардан айрилиб қолиши мумкин.

Шу муносабат билан Марказий банк фуқароларни яна бир бор оғохликка чақиради. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бу каби хабарларга ҳеч қандай алоқаси йўқлигини маълум қилади ва фуқароларга бу каби хабарларга ишонмасликни тавсия қилади.



Хитой ва Марказий Осиё давлатлари ЯГОНА ЭНЕРГЕТИКА ТИЗИМИ лойиҳасини муҳокама қилди.



Автотранспортни ногиронлиги бўлган шахслар учун МОСЛАШТИРИШ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ЯРМИ қоплаб берилди.



Тошкентдаги барча чартер рейслар янги қурилатган "ТОШКЕНТ-ШАРҚИЙ" аэропортига кўчирилди.

МУШОҲАДА

Хурмат, ҳамдардлик, билим ва малака БИРЛАШГАН НУҚТА

Ҳақиқий ижтимоий ходим қандай бўлиши керак, деган саволга дунё мамлакатларининг амалий тажрибаси жавоб беради. Бугун Франция, Италия, Финляндия, Канада, Германия ва Япония каби давлатларда ижтимоий иш – жуда нуфузли ва масъулиятли касб сифатида эътироф этилади. Бу соҳа эгалари инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ижтимоий адолатни таъминлаш ва оғир вазиятдаги шахс (оила)ни ҳаётга қайтариш билан шуғулланади. Бунинг учун ходим касбий ривожланишининг бешта асосий босқичидан ўтиши керак.

Фарид НАЗАРОВ, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Инсон ресурсларини ривожлантириш ва ижтимоий иш методологияси бошқармаси бошлиғи.

Сирожиiddин АБДУЛЛАЕВ, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори ўринбосари.

ки мулоқотдаги ёндашуви ҳам ўрганилади. Ушбу тажрибани юртимизда ҳам жорий этиш муҳим қадамлардан бири бўлиши шубҳасиз.

Иккинчи босқич – билим ва давомий таълим

Ижтимоий ходим фуқаролар тақдирига дахлдор масъулиятли мутахассис сифатида ҳуқуқ, психология, социология, этика, педагогика ва коммуникатив малака соҳаларида мустаҳкам тайёргарликка эга бўлиши шарт. Чунки ижтимоий муаммолар ҳар томонлама ёндашуви талаб қилади. Яъни, ҳуқуқий ечим, психологик ёндашув, ахлоқий тамойиллар биргаликда қўлланилиши лозим.

Дунё тажрибасидан келиб чиқадиган бўлса, ижтимоий ходимнинг таълим олиши ҳеч қачон тугамайди. Чунки жамият, инсон эҳтиёжлари ва ижтимоий муаммолар доимий ўзгариб боради. Шундай экан, доимий равишда ижтимоий ходимлар янги усуллар, рақамли технологиялар, таҳлил воситалари, оғир "кейс"лар билан ишлаш бўйича малака ошириш курсларидан ўтиши зарур.



Бу тажриба интернатлар, мактаблар, реабилитация муассасалари ва ўзини ўзи бошқариш органларида ташкил этилади. Натижада талабалар турли ёш ва ижтимоий оғир вазиятдаги аҳолига хизмат кўрсатиш, "кейс" очиб, ҳужжатларни юритиш, турли йўналишлар бўйича ҳамкорликда ишлаш каби муҳим кўникма-

ларга эга бўлади.

Мамлакатимизда ҳам олий таълим муассасалари ва "Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари ҳамкорлигида амалиёт дастурлари жорий этилмоқда. Уларни янада такомиллаштириш, талабаларнинг биринчи босқичданок ҳаётий "кейс"лар билан ишлашга жалб қилиш, тажрибали устозларнинг шогирдлар билан ишлаш тизимини йўлга қўйиш зарур. Айнан шу тарзда ижтимоий ходим инсонларнинг ишончини қозонадиган ҳақиқий мутахассисга айланади.

Тўртинчи босқич – супервизия

Дарҳақиқат, ҳар бир янги ижтимоий ходим ёнига тажрибали мураббий (*супервайзер*) бириктирилади. У иш жараёнида маслаҳат беради, мураккаб қарорлар қабул қилишда ёрдамлашади ва руҳий қўллаб-қувватлайди. Бу нафақат малака ошириш, балки ишга мослашиш, касбий ўзини англаш, руҳий чарчашдан сақланишда муҳим роль ўйнайди.

Бугунги кунда "Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари доирасида янги ижтимоий ходимларга супервизия орқали кўмак бериш амалиёти йўлга қўйилган. Ҳар бир туман ва шаҳарда "тренерлар тренери" (*ToT*) базаси шакллантирилган. Улар махсус тайёрлов курсларидан ўтказилиб, яққа ва гуруҳ шаклида ишлаш орқали касбий ўсишга ҳисса қўшмоқда.

Бешинчи босқич – шахсий ривожланиш режаси

Японияда ижтимоий ходимларнинг малакаси махсус тизим орқали баҳоланади. Ҳар бир курс, семинар ёки тренинг муайян балл билан ҳисобланади ва ходимлар доимий равишда ўз малака даражасини янгилаб бориши керак. Агар белгиланган муддатда етарли балл танланмаса, иш фаолиятини давом эттиришга руҳсат берилмаслиги мумкин.

Республикамизда ҳам ҳар бир ижтимоий ходим учун шахсий малака ривожланиш режаси (**IDP - Individual Development Plan**)ни босқича-босқич жорий этиш мақсадаги мувофиқ. Унда қўйилган вазифалар, ўрганилиши керак бўлган йўналишлар ва иштирок этиши лозим бўлган курслар кўрсатилади. Натижада мазкур чоралар ижтимоий ходимнинг ўзида касбга фахр ва ишончини мустаҳкамлайди.

Ўқорида баён этилган беш босқичли касбий ривожланиш модели орқали аниқ бўлдики, ижтимоий ходим – бу шунчаки маъмурий вазифани бажарадиган шахс эмас, балки жамиятда ўзгаришлар ва адолатли муносабатларни таъминловчи муҳим шахсдир. Энг муҳими, ҳақиқий ижтимоий ходим – бу касбга садоқат, инсонпарварлик ва профессионал масъулиятни бирлаштирган мутахассисдир. Ана шундай ходимлар орқали жамиятда эҳтиёжманд қатламларнинг ҳаётида ижобий ўзгаришлар юз беради.

Биринчи босқич – психологик тайёргарлик ва руҳлантириш

Ижтимоий ишни танлаётган инсонда, аввало, **ҳамдардлик ҳисси** бўлиши керак. Бу одамларга ёрдам беришга интилувчи қалб кучига айланиши лозим. Қолаверса, мазкур касб эгаси жисмоний ва руҳий қийинчиликларга дош бера оладиган, баржикенг бўлиши шарт.

Франция ва Италияда ижтимоий иш бўйича таълим олмақчи бўлган абитуриентлар махсус суҳбатдан ўтатилади. Жараёнда номзоднинг феъл-атвори, ҳис-туйғуларга бардошлилиги, турли ижтимоий гуруҳларга нисбатан ҳурмати ва ҳамдардлик қобилияти баҳоланади. Уларнинг нафақат назарий билими, бал-

Финляндия ва Канадада бакалавр даражаси етарли, деб ҳисобланмайди, назарий билим бу фақат асос, аммо ҳақиқий маҳорат амалий фаолият орқали шаклланади. Аҳоли билан ишлаш, уларни тинглаш, оғир ва мураккаб ҳолатларда тўғри қарор қабул қилиш, ҳиссий бардошлилик ва турли шариҳларда мулоқот қилиш қобилияти фақат амалиёт жараёнида юзага чиқади.

Германияда ижтимоий иш бўйича ўқиётган талабалар ҳар йили камида 900 соат амалий машғулот ўтати шарт.

Учинчи босқич – амалиёт ва тажриба

Профессional ижтимоий ходим фақат китоб билан чекланмайди, назарий билим бу фақат асос, аммо ҳақиқий маҳорат амалий фаолият орқали шаклланади. Аҳоли билан ишлаш, уларни тинглаш, оғир ва мураккаб ҳолатларда тўғри қарор қабул қилиш, ҳиссий бардошлилик ва турли шариҳларда мулоқот қилиш қобилияти фақат амалиёт жараёнида юзага чиқади.

ЭЪТИБОР

ИНСОН ҚАЛБИГА ЙЎЛ — МЕҲР ВА ЭЪТИБОР ОРҚАЛИ

Инсон ҳаётида оғир ва енгил кунлар бўлади. Баъзида биргина меҳрибон назар, бир оғиз тасалли сўз ва ёрдам унинг тақдирини бутунлай ўзгартиради. Бугун биз сизга Шўрчи тумани "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази ижтимоий ходими Акмал Абдурайимов амалга ошираётган эзгу ишлар ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

Азизбек МАШРАБОВ, журналист.

“Тамаддун” маҳалласида яшайдиган Насиба Қорақулова оғир касаллик билан ётиб қолган вақтда, жисмоний оғриқдан кўра, маънавий тушкунлик ва чорасизликдан азият чекарди. Аммо маҳалласидаги ижтимоий ходим унинг ҳақиқий ёрдамчисига айланди.

Акмал Абдурайимов ҳомийларни жалб этиб, шифокорлар билан ҳамкорликда унинг жарроҳлик амалиётини ташкил қилди. Операция муваффақиятли ўтди. Бугун Насиба она фарзандлар бағрида, яна келажакга ишонган ҳолда яшамоқда. Бундан ташқари, аёлнинг фарзандига нафақа тайинланди, тўғаракларга жалб этилди, паспорти учун тўлов ҳам қилиб берилди.



Маҳалладаги яна бир фуқаро – Ойхол Тўраевнинг турмуш шароити оғир, даромади етарли эмас, уйи эски эди. Ҳомийлар жалб қилиниб, уйига янги деразалар ва эшик ўрнатилди. Қишқи мавсум олдидан электр энергияси учун бир маргалик ёрдам берилди. У "Ижтимоий ҳимоя реестри"га киритилиб, тўлиқ ижтимоий муҳофазага олинди.

Барноҳон Эргашева ҳам оғир хасталикка дуч келган. Қўлидан етарли маблағи йўқ. Унинг даволаниши учун "Саховат ва кўмак" жамғармасидан 6 миллион сўм моддий ёрдам ажратилди. Бу маблағ унинг нафақат жисмоний, балки маънавий соғайиши учун замин яратди.

Акмал Абдурайимов каби ижтимоий ходимлар қалбларни даволовчи, инсонлар ҳаётига умид бағишловчи шахслардир. Улар биргина хизматни эмас, балки муҳаббатни, меҳрни, эътиборни етказиётган эътиборга молик.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ



Ижтимоий ҳимояда виждон иши, юрак амри устувор

Касбимизда унум ва барака бўлиши учун кўпроқ одамлар билан ишлашимиз зарур. Уларга мақсадимизни, қилаётган ишимиздан кўзланган муддаони тўғри тушунтириб бера олсакки, ўртада соғлом ҳамкорлик муҳити юзага келади. Аҳоли вакиллари қандай вазиятларда биздан ёрдам сўраши кераклиги, ваколатимиз доирасида қайси хизматларни кўрсатишимизни тўлиқ тушуниб етсагина, самарадорлик янада ортади.

Мадинахон ҚУРБОНОВА, Хонобод шахридаги "Истиқлол" маҳалласи ижтимоий ходими.

Шу маънода бугунги кунда аҳолига ижтимоий ҳимоя тизими, у қандай имкониятлар яратиши ҳақида батафсил маълумот беришга ҳаракат қиламиз. Бунинг амалий ишлар орқали, ўз вақтида ва сифатли тарзда кўрсатилган хизматлар билан фуқароларга етказилган. Табиийки, одамларда ишонч ҳамда келажакка умид ортиб боради.

Ижтимоий ходимнинг маҳалладаги ўрни беқиёс. У жамиятнинг энг оғир, энг нозик қатламига – ижтимоий ҳавф остида қолиши мумкин бўлган оилаларга бевосита кириб боради. Уларни эрта аниқлаш, муаммоларнинг илдизини кўриш ва уларни бартараф этиш бўйича мажмуавий чораларни қўриш –

ижтимоий ходим зиммасидаги энг масъулиятли вазифалардан биридир. Шу билан бирга, у фуқароларга давлат томонидан қафолатланган ҳуқуқларини тушунтиради, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширади, жамиятга бўлган ишончини мустаҳкамлайди.

Маҳалла тизимидаги фаолиятим давомида 58 та ижтимоий ҳолат – яъни "кейс" устида ишладим. Улардан 45 таси чуқур ва мажмуавий баҳолаш асосида ижобий яқун топди. Яна 10 та ҳолат бирламчи баҳолаш билан тугатилиб, фуқароларнинг ҳолати барқарорлаштирилди.

Шунингдек, умумий ҳисобда 350 нафар фуқарога манзилли, сифатли ва индивидуал ёндашув асосида ижтимоий хизматлар кўрсатилди. Бу рақамлар орқасида инсон тақдирини, оила оғриғини ва қалбга қайта кириб борган умид яширилган.

Биз қилаётган ишлар шунчаки хизмат эмас, бу – инсо-

нийлик, фидойилик, жамият олдидаги бурчини виждондан адо этишдир. Чунки ижтимоий ҳимоя – рақамлар эмас, балки юрак билан бажариладиган муқаддас вазифадир.

Болаликдан ногиронлиги бўлган 12 ёшли қизнинг ҳолидан хабар олгани борганимизда, унинг оиласи ҳам кўмакка муҳтожлиги маълум бўлди. Онасининг турмуши бузилгач, икки нафар фарзандининг парварлиши билан ёлғиз ўзи шуғулланиши бошланди. Табиийки, бундай вазиятда моддий қийинчиликлар юзага келади. Хонадон вакилларига ёрдам қилиш мақсадида, биринчи навбатда, болалар нафақаси тайинланди. Ногиронлиги бўлган қизига кундузги парварлиш хизмати кўрсатилди. Натижада аёлни шароитидан келиб чиқиб ишга жойлаштирдик. "Саховат ва кўмак" жамғармасидан моддий ёрдам ажратилди. Ҳомийларни жалб қилган ҳолда доимий равишда озиқ-овқат

маҳсулотлари етказиб берилди. Қолаверса, хозирги яшаб турган уйининг йиғилиб қолган қарздорлигини ёпишга ёрдам кўрсатилди.

Айни вақтда маҳалламиз ҳудудда кўзи оғир ҳамда заиф кўрувчилар учун кутубхона ташкил этишни ният қилганмиз. Бу маънавий маскани Хонобод шахридаги 160 нафар ногиронлиги бўлган шахсларга хизмат кўрсатади. Хозир 6 нафар брайл ёзувини ўқишни биладиган фуқаро билан ишлаяпмиз. Улар ўз билим ва малакасини бошқаларга ҳам ўргатиб, қалбларга нур олиб киришни истади. Кутубхона учун танланган бино айнан имконияти чекланган фуқароларнинг ҳаракатланиши учун мослаштирилгани биз учун айни муддао бўлди.

Ижтимоий ҳимоя тизимидаги натижадорликни янада ошириш учун оммавий ахборот воситаларида қилинаётган ишларни кенгроқ тарғиб қилиш керак, менимча. Кириқ лавҳалар орқали берилган маълумотлар фуқароларнинг билим даражасини янада ошириб, зиммамиздаги вазифаларни янада оsonроқ адо этиш имконини бериши шубҳасиз.

НАТИЖА

ЯНГИ ХИЗМАТ — ЯНГИ ИМКОНИЯТ ДЕМАК

Бухоро туманидаги Қавола Маҳмуд номидаги маҳаллада 6 521 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг 87 нафарини ногиронлиги бўлган шахслар ташкил этади. Ушбу тоифадаги фуқароларни аниқлаш, уларга манзилли ёрдам кўрсатиш бўйича маҳалладаги ижтимоий ходим томонидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Зарнигор НАФИДИНОВА, журналист.

Шундай фуқаролардан бири – Қавола қишлоғида яшовчи, 1951 йилда туғилган Ёдгор Ражабовнинг ҳолати халтов жараёнида аниқланган. Бир оғирнинг тиззадан паст қисми ампутиция қилинган, ётоқ ҳолатида бўлган ушбу фуқаро ижтимоий ходим Зарнигор Тойирова томонидан рўйхатга олинди, зарур хизматлар билан таъминланди.

Фуқарони тушкунлик кайфиятидан чиқариш ва уни жамиятга қайта мослаштириш мақсадида бир қатор мажмуавий чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Ёдгор Ражабовга психологик хизматлар кўрсатилди. Тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси хулосасига асосан, оёқ протези олиб берилди. У Бухоро санаторийсига соғломлаштириш муолажалари учун навбатга қўйилди.



Қўрилган чоралар натижасида фуқаронинг кайфияти ва жисмоний ҳолати анча яхшиланди. Хозирда у енгил автотранспорт воситасидан мустақил фойдаланмоқда, ҳаракатланиш имкониятига эга бўлди.

Шунингдек, Ёдгор Ражабов маҳалладаги нуронийлар билан турли тадбирларда фаол иштирок этиб, жоматчиликка қайта қўшилди. Тушкунлик кайфиятидан чиқиб, ҳаётга ижобий қараш билан яшашга интилмақда.

Бу каби мисоллар ижтимоий ҳимоя соҳасида олиб борилаётган ишларнинг самарадорлигини кўрсатади. Энг асосийси, эҳтиёжманд фуқаролар давлат ҳимояси ва ғамхўрлигини ўз ҳаётида ҳис қилмоқда.



Саудия
Арабистони
Ўзбекистон
фуқаролари учун
ОНЛАЙН
ВИЗА БЕРИШНИ
ТИКЛАДИ.



Ўзбекистонда
лимон нархи
ўтган йилга
нисбатан
3 БАРОБАР
ҚИММАТЛАШДИ.



Малайзия
Ўзбекистонга
20 минг долларлик
ИЛМИЙ
АДАБИЁТЛАРНИ
ТАҚДИМ
ЭТДИ.

ТАҲЛИЛ

ЁШ ТАФОВУТИ ОИЛАВИЙ ЗИДДИЯТЛАРГА САБАБ БЎЛАДИМИ?

Эр-хотин ўртасидаги ёш тафовути баъзан оилада муаммо ва тушунмовчиликларга сабаб бўлиши мумкин. Лекин бунини ҳар доим ҳам зиддият манбаи, деб бўлмайди. Масала ёшда эмас, балки икки шахснинг психологик етилгани, мулоқот маданияти ва бир-бирига бўлган ҳурматида.

Аслиддин НУРМОҲОВ,
“Оила ва гендер” илмий тадқиқот
институтини таянч докторанти.

Илмий ёндашувда ёш фарқларининг оила барқарорлигига таъсири кўпроқ шахсий хусусиятлар, роллар тақсими ва ижтимоий стереотипларга бўлган муносабатга боғлиқ бўлади.

Масалан, катта ёшдаги эркак ва анча ёш аёл ўртасида ижтимоий давр, ҳатто, кундалик қизиқишлар кескин фарқ қилиши мумкин. Бу ҳолат ўзаро тушунмовчилик, ҳиссий совуқлик ва мувофиқликнинг йўқолишига олиб келиши эҳтимоли бор.

ри орадаги бўшлиқни эмас, балки бир-бирини тўлдирувчи восита бўлади. Яна бир муҳим омил – ижтимоий стереотиплар. Атрофдагиларнинг доимий эътирози, “у сендан жуда катта/ёш”, деган гаплар турмуш курган жувликка ҳиссий босим ўтказди. Шунинг учун бундай оилаларда ижтимоий тахминларга нисбатан мустақкам психологик иммунитет шаклланиши зарур. Жуфтлик ўз қарорига ишонч билан ёндашса, ташқи босимлар таъсири камайди.

Оилада ёшга боғлиқ ҳолда эмас, балки психологик етулик, ҳаётий тажриба, мос мақсадлар ва қадриятлар асосида алоқа ўрнатилиши керак.



Аксинча, аёлнинг ёши катта, эркак эса ёш бўлса, ижтимоий босим кучлироқ бўлиши, эркак ўзини иккиламчи ролга тушиб қолгандек ҳис қилиши мумкин. Иккала ҳолатда ҳам зиддиятнинг илдизи – шахсий ўзини англаш даражаси ва муносабатларда очиклик етишмовчилиги билан боғлиқ.

Психологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ёш тафовути мавжуд бўлган оилаларда муваффақиятли турмуш қурилиши учун иккала томоннинг ўзаро ҳурмат, сабр ва доимий мулоқотга тайёрлиги муҳим аҳамиятга эга. Агар ҳар бир томон ўзининг ижтимоий ўрни ва мажбуриятларини аниқ тушунади, қарор қабул қилишда мустақиллик ва масъулиятни баҳам кўрса, ёш фарқлари

Турмушдаги доимий ўзгаришларга мослаша олиш, муаммоларни мулоқот орқали ҳал қилиш, оиладаги мавқени ёш эмас, балки шахсий хусусиятларига қараб тақсимлаш – булар ёш тафовутидан келиб чиқадиган зиддиятларнинг олдини олишда энг самарали воситалар.

Хулоса қилиб айтганда, ёш тафовути оила мустақамлигига тўсқинлик қилмайди, муносабатлар онгли, ҳурматли ва масъулиятли ёндашув асосида қурилган бўлса бас. Муҳими, ўзаро фарқларни рақобат эмас, балки ўзаро бойитиш имконияти, деб қабул қилиш керак. Ана шундангина ёш эмас, қалб уйғунлиги ҳал қилувчи омилга айланади.

ТАШАББУС

“Ёш оналар мактаби” – соғлом авлод пойдевори

Жамият тараққиёти, миллат келажаги, аввало, соғлом оилалар ва соғлом авлод тарбиясига чамбарчас боғлиқ. Айниқса, она ва бола саломатлигини таъминлаш ҳар бир мамлакатнинг устувор вазифаларидан биридир.

Нилуфар РАҲМОҲОВА,
Ромитан тумани
тиббиёт бирлашмаси
акушер-гинеколог.

Шу жихатдан, юртимизда ёш келинларни оналикка тайёрлаш, уларнинг тиббий, психологик ва маънавий билимларини мустақамлаш мақсадида ҳар бир маҳаллада ташкил этилган “Ёш оналар мактаби” муҳим ўрин тутди.

“Ёш оналар мактаби”нинг асосий вазифаси – никоҳдан сўнг ҳаётга қадам қўйган қизларни бўлажак оналик учун ҳар томонлама тайёрлашдир. Бу жараёнда оналикнинг жисмоний ва руҳий тайёрлиги, ҳомиладорлик даврида ва ундан кейинги тиббий назорат зарурати, бола парвариши, эмизиш, соғлом овқатлантириш бўйича билимлар берилди.

Ёш келинларнинг соғлом ҳомиладорлик ва фарзанд дунёга

келтириш борасидаги билимларини ошириш орқали туғуруқ асоратларини камайтириш ва бола ўлими кўрсаткичини пасайтириш мақсад қилинган. Шу маънода маҳаллаларда ташкил этилган “Ёш оналар мактаби”да ўқув машғулоти режали тарзда оила шифокори, патронаж ҳамшира ва патронаж доялар иштирокида олиб борилади.

Мутахассислар берган сабоқ бўлажак онани чақалоққа ғамхўрлик қилишга, саломатлиги ва гигиенаси учун керакли чоралар қўришга ўргатади. Қолаверса, мунтазам олиб борилган машғулотлар ёш келинда муомала маданияти, оила аъзолари ва турмуш ўртоғи билан муносабатларини соғлом асосда йўлга қўйиш кўникмасини шакллантиради. Машғулотлар бепул ва тизимли равишда олиб борилади. Катнашчиларга махсус услубий қўлланмалар ва тавсиялар берилди. Ҳар бир



иштирокига алоҳида ёндашув асосида ўтилган дарсларнинг самарадорлиги анча юқори бўлади. Жараёнда аёллар ўзини ўйлантирган турли саволларга жавоб олиш, муаммоларига мутахассислар билан бирга ечим излаш имконига эга бўлади. Табиийки, бу оилалар мустақамлигини таъминлаш, руҳан ва жисмонан соғлом фарзандларни вояга етказишга замин яратди. Келинларни меҳрибон она, садокатли рафиқа, уқувли оила бекаси бўлиш сари етаклайди. “Ёш оналар мактаби” бугунги

кунда фақат соғлиқни сақлаш тизими доирасидаги ташаббус эмас, балки бутун жамиятнинг келажагига қаратилган улук мақсадли ҳаракатдир. Зеро, бугун билимли ва соғлом она тарбиялаган авлод – эртанги кучли жамиятнинг пойдевори ҳисобланади. Шу боис ҳар бир келиннинг “Ёш оналар мактаби”даги таълим ва тарбияга жиддий ёндашиши, билим ва кўникмаларини оширишга интилиши – нафақат фарзанди, балки бутун халқнинг фаровон келажагига қўшган бебаҳо хисасидир.

МАНЗАРА

Аёлни ардоқланг, кўкка кўтаринг, мўъжиза остона ҳатлайди шу дам



Маҳалладаги фаолиятим давомида аёлларнинг “эрим ишлашга рухсат бермайди”, деган нотўғри қарашини ижобий тарафга ўзгартиришга ҳаракат қиляпман.

Азиза ҚўҶҚОРОВА,
Юнусобод туманидаги
“Кулолқўрғон” ва
“Исломобод” маҳаллалари
хотин-қизлар фаоли.

Айримлар ўзини ориқча уринтирмаслик, доимий тинч яшаш шароитини танлаганини шу баҳона билан оқламоқчи бўлишади. Тўғри, баъзи эркаклар турмуш ўртоғининг кўпроқ фарзандлар тарбияси билан банд бўлиши, асосий эътиборини рўзгор юмушларига қаратишини истайди. Лекин бу бир шахснинг ҳеч қандай фаолият билан шуғулланмаслигига сабаб бўлмайди. “Ўрганаман”, деган одамга касб кўп, хунар кўп. Ҳатто, уйда ўтирган ҳолда миллионлаб даромад топаётганлар қанча.

Ўзим ҳам хотин-қизлар фаоли лавозимида иш бошлашимдан олдин ўн йил давомида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланганман. Келинлар учун оқ либосдан тортиб, адрас кўйлақларгача тикардим. Уларга мос тарзда мунчоқлардан безаклар ясардим. Хунаримнинг сирини ўрганган қанчадан қанча шоғирдларим бугун ўзининг мустақил тадбиркорлигини йўлга қўйишган. Бугун ҳам бу савобли ишни давом эттириб келяпман. Гарчи тикувчилик қилмасам-да, чеварчилик сир-асорларини



Ёш таътил вақтида юқори синф ўқувчиларини кашта тикишга ўргатаймиз. Ўқув курсига жалб этилган устоз билан бирга айни вақтда 30 нафардан ортиқ ёшнинг вақтини мазмули ўтишига шароит яратиб берганимиз ўзимиз учун ҳам жуда мароқли.

қизиқувчиларга ўргатаймиз.

Кунини кеча ўқувчиларнинг кўл меҳнати билан тикилган ишларидан ташкил топган каштачилик кўргазмасини ўтказдик. Унга туманимиздаги 64 та маҳалладан қизиқувчилар ташриф буюриб, бир-биридан гўзал ижод намуналарини томоша қилишди. Энди бу тўғрагимизга қўшни худудлардан ҳам ўқувчилар келиб ўқиш

истагини билдирапти. Шу кунларда йиллар давомида тиккан 50 дан кўпроқ оқ либос ва 100 дан ортиқ турли байрам кийимларини ижарага бериш дўконини очиш ҳаракатидаман. Бунда кам таъминланган, ногиронлиги бўлган ва эҳтиёжман оила вакиллари бу имкониятдан бепул фойдаланиши мумкин.

“Кулолқўрғон” маҳалласидаги 1 167 нафар хотин-қизнинг кўпчилиги турли йўналишлар бўйича ўзини ўзи банд қилган. Айримлар кашта тикиш билан шуғулланса, яна бошқалар йирик тадбиркорлар уйига етказиб берган маҳсулотларни қадоклаб, даромад топяпти. Жараёнда фуқароларнинг шароити ва эҳтиёжидан келиб чиқиб, кредит ва субсидиялар ажратилляпти.

Хусусан, Шахло Юнусова турмуши ўхшамагач, икки нафар фарзанди билан отасининг уйига қайтиб келади. Моддий қийинчилик ва етишмовчиликка ечим излаб, маслаҳат сўради. Узоқ давом этган суҳбатда унинг торт пиширишга кизиқиши юқори эканини билдик. Лекин керакли ускуна ва анжомлар етишмаслиги фаолиятини кенгроқ тарзда ташкил этишига имкон бермаётганини билдирди. Шунда аёлга ҳоким ёрдамчиси билан бирга субсидия асосида барча керакли буюмларни олиб бердик. Ҳозир хонадонда тайёрлаган ширинликларни мижозларнинг ўзи келиб олиб кетишади. Ортганини дўконларга топширади.

Кичик туртки ва ёрдам билан бир инсоннинг ҳаётда ўз ўрнини топиши биз маҳалла ходимлари учун катта натижа демек.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Латофат ФАЙЗИЕВА,
Хоразм вилояти:

– 70 ёшдан ошган фуқароларга қараб турилган вақт меҳнат стажига қўшиб ҳисобланиши мумкинми?

МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИЛАДИМИ?

Дилшод ЮСУПОВ,
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги
Хоразм вилояти бошқармаси шўъба мудир:

– “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонуннинг 37-моддасига асосан, II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсга ёки 18 ёшгача бўлган, ногиронлиги бор болага, шунингдек, (даволаш муассасасининг хулосасига кўра) ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган 80 ёшга тўлган қарияларга қараб турилган вақт иш стажига қўшиб ҳисобланадиган меҳнат фаолияти турларига кириши кўрсатилган.

Мазкур асосга кўра, 80 ёшга тўлган фуқароларга қараб турилган вақт даволаш муассасасининг хулосаси асосида меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади. Ушбу ёшга тўлмаган шахсларга қараб турилган вақт эса юқоридаги айрим ҳолатлардан ташқари меҳнат стажига эга бўлиш учун асос бўлмайди.



Спорт-
рашлари
бўйича
Осиё чем-
пионатида
**САМАНДАР
БОБОНА-
ЗАРОВ** ва
**АБДУЛЛО
АЛИЕВ**
олтин ме-
дални қўлга
киритди.



ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИДА ИЛК БОР Тошкентда спорт гимнастики бўйича жаҳон кубоги босқичи ўтказилди.



Ўзбекистон-
да 2026
йилда вело-
спортнинг
маунтин-
байкинг
йўналиши
бўйича
**ОСИЁ ЧЕМ-
ПИОНАТИ**
ўтказилади.

8

№50 | 2025 йил 21 июнь, шанба

Mahalla

БИЗ — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРИМИЗ!

БИЛИБ ОЛИНГ!

Саратон касаллиги инсон саломатлигига жиддий таъсир кўрсатадиган тиббий ва ижтимоий муаммодир. Шу боис Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Халқаро саратон тадқиқотлари агентлиги бу касалликнинг олдини олувчи 12 усулни эълон қилди.

САРАТОНДАН САҚЛАНИШНИНГ 12 УСУЛИ БОР

Чекманг, тамакининг ҳар қандай шаклидан фойдаланманг.

Уйингиз ва иш жойингизни тамаки тутунидан сақланг.

Тана вазнингизнинг меъёрдан бўлиши учун ҳаракат қилинг.

Кундалик ҳаётда жисмоний фаол бўлинг. Бутун кунни ўтириш билан ўтказманг.

Соғлом овқатланиш тамакининг амал қилинг. Донли, дуккакли экинлар, сабзавот ва меваларни кўп истеъмол қилинг, ёғли овқатлар, шакари чекланг. Иложи борича қайта ишланган гўшт маҳсулотлари ва шўр овқатлардан сақланг.

Спиртли ичимликлар ичманг.

Кўёшда узок турманг, айниқса, болаларни кўёшдан сақланг.

Агар сиз кимё саноатида ишласангиз, хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш шарт билан ўзингизни зарарли моддалардан ҳимояланг.

Тоғларда ёки нурланиш хавфи бўлган жойларда яшасангиз, юқори радон миқдорини камайтиришга интилинг.

Бундан ташқари, эмизиш саратон хавфини камайтиради.

Фарзандингизни эмлашга эътиборсиз бўлманг!

САЛОМАТЛИК

ЎЗ ҚАРОРАТИНИНГ ИНСОНГА ХАВФИ ХАВФЛИ

Айни кунларда хавонинг меъёрдан ортиқ даражада исиб кетиши кузатилмоқда. Бу вазиятда эътиборсизлик қилсак, танамиз сувсизланиб, турли касалликлар ривожланади. Куйида иссиқ ҳаво ва намликнинг охиши билан намоён бўладиган касалликлар, уларнинг белгилари ва олдини олиш бўйича маълумот берамиз.



Сайёра МУЛЛАЕВА,
Саломатлик ва стратегик ривожланиш институти бош мутахассиси.

Уларнинг биринчиси — кўёш уриши. Бу касаллик иссиқда тана ҳароратини назорат қилиш имконсизлигидан пайдо бўлади. Маълумки, тана терлаш орқали ҳароратни мувозанатлашга ҳаракат қилади. Аммо ҳаддан ташқари иссиқда жараён секинлашиб, тана ҳарорати хавфи даражага кўтарилади. Натижада бош оғриғи, бош айланиши, кўнгил айниши, қусиш, юқори ҳарорат, тери тошмаси, заифлик ва

хушсизланиш каби белгилар кузатилади. Хавфдан ҳимояланиш учун кўёш қиздирган вақт — 10:00 дан 17:00 гача кўчага чиқишдан сақланинг. Агар бунинг имкони бўлмаса, кенг қиррали бош кийим, кўёшдан сақлайдиган кўзойнак ва очик рангли кийим кийинг. Кўп миқдорда сув истеъмоли ҳам сувсизланишнинг олдини олади. Соянон ёки соя каби ҳимоя жойларида вақт ўтказишга эҳтиёт бўлинг!

Иссиқ ҳаво келтириб чиқарадиган навбатдаги касаллик — сувсизланиш бўлиб, ҳаддан ташқари ташналик, қуруқ оғиз, пешобнинг қорайиши, бош

айланиши, заифлик каби белгилар кузатилади.

Ҳимояланиш учун кун давомида камида 2-3 литр миқдорда сув истеъмол қилинг! Суюқлик йўқотилишини оширадиган ортиқча кофеинли ва спиртли ичимликлардан сақланг! Спорт билан шуғулланаётганда ёки очик ҳавода вақт ўтказганингизда кўп сув ичманг.

Ҳароратнинг охиши билан озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати бўзилади. **Бу эса овқатдан захарланишга олиб келади.** Касалликка чалинганда қорин оғриғи, диарея, кўнгил айниши, қусиш, иситма ва заифлик безовта қилади.

Бунинг олдини олиш учун озиқ-овқатларни тўғри сақлашга эътибор беринг! Кўчада ёки очик жойларда сотиладиган овқатларни тановул қилманг! Овқатланишдан олдин сабзавот ва меваларни яхшилаб ювиб ташланг!

Ўз ойларидан терлаш ва намлик замбуруғ инфекциялари кўпайиши хавфини оширади. Уни чақирувчилар — қаттиқ кийим, нам мато ва иссиқ оёқ кийим. Белгилари — тери қизаради, қичишади, қобиг ва пўстлоқлар пайдо бўлади. Касалликдан ҳимояланиш учун кенг ва ҳаво ўтказадиган кийим кийиш керак. Чўмилгандан кейин сузиш кийимларини алмаштириш лозим. Оёқларингизни доимо қуруқ ҳолда сақлашга ҳаракат қилинг. Шунингдек, бундай ҳавода терлаш тўғрисида кичик пуфакчалар ҳосил бўлиб, иссиқлик тошмаси тошади. Айниқса, чақалоқлар ва ёш болалар касалликка мойил.

Шунинг учун тиббиёт ходимлари ҳаво ўтказувчи либослар кийиш ва салқин жойларда қолишни маслаҳат беради. Ўзги касалликлар одатда, иссиқ ҳаво, намлик ва гигиена етишмаслиги билан кечувчи муаммо саналади. Тўғри профилактик тадбир қўлаш билан уларнинг олди олинади.



ҲИДОЯТ ЎҒДУСИ

Умиджон СОБИРЖОНОВ.
Турақўрғон тумани:

— Маҳалламиздаги қабристонда дараклар бор. Уларнинг меваси пишган пайтда кўпчилик қатори истеъмол қиламиз. Баъзилар бу иш жоиз эмас, деб қолишди. Шунга динимизда нима дейилган?

ҚАБРИСТОНДАГИ МЕВАНИНГ ИСТЕЪМОЛИ ЖОИЗМИ?

Ўзбекистон мусулмонлари идораси
Фатво маркази:

— Бурҳониддин ибн Моша роҳимаҳуллоҳ қабристондаги даракларнинг ҳукми иккига бўлинишни зикр қилганлар. Яъни, улар ер қабристонга айлантирилишдан олдин ёки кейин экилган бўлиши мумкин. Агар дараклар ер қабристон қилинишидан олдин экилган бўлса, эҳкан одамнинг мулки ҳисобланади. Шунинг учун даракларнинг эгаси тирик бўлса, унинг розилиги билан ёки ундан сотиб олиб, истеъмол қилиш жоиз. Агар эгаси улардан одамлар ейишларини муҳофиз қилган (руҳсат берган) бўлса, у ҳолда сўрамадан еса бўлади. Аммо эгасининг нияти номаълум ёки вафот этган бўлса, ейиш жоиз эмас.

Иккинчи ҳолатда ҳам, дараклар эгасининг мулки ҳисобланади. Шунга кўра, ҳукм ниятга боғлиқ бўлади. Агар эгаси номаълум ва нияти аниқ бўлмаса, қабристоннинг мулки ҳисобланади. Бу ҳолатда улар сотилиб, пули қабристоннинг эҳтиёжлари ва таъмири учун ишлатилади.

Демак, қабристондаги меваларни ейиш ёки бошқа экинларни олиш уларни эҳкан эгасининг ниятига боғлиқ. Агар бошқалар ейишлари ёки фойдаланишлари учун экилган бўлса, улардан ейиш жоиз. Аммо ўзи учун эҳкан, нияти номаълум ёки ким эҳкани аниқ бўлмаса, уларни пулга сотиб олиб ейиш ёки фойдаланиш лозим.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, баъзилар қабристондаги мевали даракларнинг томири майитнинг қони ва нажосатидан озуқа олгани учун ейиш макруҳ, дейди. Бу даврон уламо-лар ўринсиз ҳисоблайди. Аммо шундай бўлса-да, қабристонга мевали даракт эмаслик тавсия қилинади. Зеро, уларнинг томири қабрларнинг ўпирилишига олиб келиши мумкин.

СПОРТ



Рухий босимдан ҳимоялаш, суякларни мустаҳкамлайди. Кўриш қобилиятини яхшилайдди. Касалликларнинг олдини олади.

Шунингдек, спортча юриш ҳам саломатликка жуда фойдали. Унинг тезлиги оддий юришга нисбатан икки марта ортиқ. Аммо бундай юқори тезликка эришиш учун спортча юриш техникаси асосларини ўрганиб олишнинг ўзигагина kifoya қилмайди. Балки оддий юришга караганда анча шиддатли иш бажариш талаб қилинади, қувват сарфи ортади. Спортча юриш — мусобақаларда юришнинг техник жиҳатдан энг қийин, лекин энг фойдалиси.

Инсоннинг жисмоний баркамол ва соғлом бўлишида оммавий спорт турлари таркибига кирувчи энгил атлетиканинг муҳим ўрни бор. Дарҳақиқат, бу спорт тури ҳаётини зарур ва кенг тарқалган — юриш, югуриш, сакраш ва улоқтириш каби машқларни бирлаштиради. Уларнинг аксариятини умумий омма — энг кичик ёшдаги болалардан, катталаргача бажара олади ва кундалик турмушда доим учрайди

Куйида энгил атлетиканинг оддий ва спортча юриш турлари ҳақида маълумот берамиз. Аҳамият-лиси, бу спорт турлари билан барча шуғулланса бўлади. Саломатлик учун фойдали бўлибгина қолмай, инсоннинг рухий ҳолатига ҳам ижобий таъсир этади.

Узок ва бир текис юрганда танамиздаги қарийб барча мушаклар ишлайди, юрак-қон томир, нафас олиш ва бошқа тизимлар фаолияти кучаяди. Натижада модда алмашинуви яхшиланади. Мута-

хассислар фикрига кўра, оддий юриш (ҳафтасига камида 8 километр юрганда) юрак-қон томир касалликларига хавфини 31 фоизга ва ўлим хавфини 32 фоизга қисқартиради. Суяк ва мушакларни мустаҳкамлайди, қон босимини меъёрлаштиради, қонда холестерин миқдорини туширади, уйқунни яхшилайди.

Ҳар бир қадам қувват сарфла-ниши, гармонлар ишлаб чиқиши, мушаклардаги қон таъминоти-нинг яхшиланиши эвазига уларнинг ксилород билан бойишига хизмат

қилади. Одам ўзини яхши ҳис этади ва ташқи кўриниши кўркам бўлади. Яёв юрганда инсоннинг барча мускуллари ҳаракатга келади. Айниқса, эрта тонгда пиёда юриш саломатлик учун жуда фойдали. Чунки бу вақтда ҳаво тоза бўлади, киши кечаси ухлаб, дам олгани сабабли чарчамасдан 30-40 дақиқа бемалол яёв кезиши мумкин. Қолаверса, кечки пайт ишдан чиққач, имкон бўлса, йўлнинг бир қисмини пиёда босиб ўтиш руҳиятга тетиклик бахш этиб, кишини тинчлантиради ва чарчокни олади.

ПИЁДА ЮРГАННИНГ

УМРИ ЗИЁДА БЎЛИШИ, БУ — ҲАҚИҚАТ!



Шерзод ОЛИМОВ,
Спорт вазирлиги бўлими бошлиғи.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОНОВ
Дизайнер:
Абдулазиз Аҳмедов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Тахририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т. 9 280 нусхада чоп этилди. Буюртма №: Г-620

